

3.11. Хисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр энергиясининг мансублик баъани бўйича мислунлик чегараси далолатномаси ва мансубликнинг эквивалентлиги асосида аниқланган электр тармоғининг мансублик баъани чегарасида ўриштирилган, чегардан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойга бўлган участкада энергиянинг технологик сарфлашни хажми Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфлашни хажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайлар учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр хажмининг тегишли пайларга тўлов ҳақини ёзиш учун кўшиб борилади.

3.12. Истеъмолчи энергиянинг сарфлашни тўғрисидаги хисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёқн ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов хисоб-варағини ёзди ва Истеъмолчининг шахсий хисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро хисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта хисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширади.

3.13. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек хисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта хисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобга ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинмайди.

Хисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугаган қарздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдориде, электр энергияси махусат тартибда етказиб берилмаган қорхоналар учун эса 0,2 фонд миқдориде пеня хисобланади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловларнинг 50 фонздан ошмаслиги лозим.

3.14. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдоридан 5 фонздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ ортиқ истеъмол қилинган энергияси жами хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдориде тўлов ундирилади.

3.15. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, хисоб-китоб даври тамоғ бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.16. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;
хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, уларни талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

Энергияни хисобга олиш приборларини қасддан бузилганда, кўрсаткичларини ўзгартариш максалида уларга ташқаридан аралашилганда.

3.17. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.18. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати баргараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдориде тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭНХА) Га уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.19. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича Энергиянинг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.20. Энергия учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолатларда маиший (аҳоли) истеъмолчилари учун белгиланган тарифга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги УРҚ-327-сонли қонунига мувофиқ “Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтинч ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, Истеъмолчи Энергия учун маиший (аҳоли) тарифи бўйича тўловни амалга ошириди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада тақомиллаштиришда ижтимоий қўмақ ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги 364-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф сонли Фармойишига қўра ҳудуддаги диний ташкилотлар Энергия учун маиший (аҳоли) тарифи бўйича ҳақ тўлайдилар.

3.21. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори қуйидаги текширувлардан ўтказилди:
а) даврий қиёслаш-ушбу турдаги хисобга олиш приборининг қиёсловдан ўтказиш оралиғи муддати туғанда;

б) навабдан ташқари қиёслаш –хисобга олиш приборига зарар етказилганда, шломбаси бузилганда, қайта дастурлаш зарурияти юзага келганда;

в) эксперт қиёслаш-хисобга олиш приборининг созлиги, унинг фойдаланишга яроқлилиги, шунингдек, метрологик хусусиятларининг норматив ҳужжатлари талабларига мослиги бўйича низоли масалалар юзага келганда.

3.22. Энергияни хисобга олиш приборларини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги 698-сонли қарори талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хисобга олиш приборини даврий қиёслаш “Ўзстандар” агентлиги томонидан белгиланган муддатда истеъмолчи хисобидан ўтказилади. Қиёсловдан ўтказиш оралиғи турт йилни ташқил этади.

3.23. Навабдан ташқари ва эксперт қиёслашлар Бюро ташаббуси билан ёки бошқа вақолатли орган қарорига асосан ўтказилади ва қиёслаш хизматларини Бюро Қорхона томонидан туланади.

PX74267730

PX74267730